

МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТДАГИ ЎРНИ

Наби Холмирзаев

Ўзбекистон Республикаси ИИВ қошидаги

Ички ишлар лицейи ўқитувчиси

Ижтимоий тараққиётни ижтимоий институтларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айнан ижтимоий институтлар инсонни жамоавий табиатини ва ижтимоийлашувини маҳсули сифатида шакланган ва ривожланиб келган. Мусулмон Шарқи учун мана шундай ижтимоий институтларнинг энг қадимийси маҳалла институти ҳисобланади. Мазкур институт ўзбек халқи тарихий тараққиётини узвий қисми бўлиб келган ва айтиш мумкинки маҳалла сўзини бемалол, ўзбекчиликни синоними деса ҳам бўлади.

«Маҳалла» атамаси арабча бўлиб, «ўрин-жой» деган маънони англатган. У турли минтақаларда маҳаллот (жой), гузар, жамоа, элат, элод номларда аталиб келинган. Маҳалла — Ўзбекистонда маъмурий-ҳудудий бирлик; ўзини ўзи бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва кадриятларига хос бўлган усули. Маҳалла тарихи қадим замонларга бориб тақалади. Тарихий манбаларда қайд этилишича, жез даврининг ёдгорлиги бўлган Сополлитепада 8 та оила яшаган. Уларни фақат уруф жамоасигина эмас, балки ишлаб чиқариш манфаатлари ҳам бирлаштириб турган. Кейинчалик уларнинг сафига патриархал тизим асосида 100 дан ортиқ оилалар келиб қўшилган. Катта оилалар жамоасини улар орасидан сайланган оқсоқол бошқарган. Оқсоқоллар ўз навбатида олий оқсоқоллар кенгашига бирлашган. Оқсоқоллар, одатда, жамоа — қишлоқ ҳаёти билан боғлиқ барча масалаларни олий кенгаш орқали ҳал қилишган.

Адабиётларда маҳалаларнинг кўп минг йиллик тарихга эга эканлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Масалан, Наршахий ўзининг «Бухоро тарихи» асарида Бухорода бундан 1100 йил илгари бир қанча маҳаллалар бўлганини қайд этиб ўтган. Алишер Навоий ўзининг «Ҳайрат ул-аброр» асарида маҳаллани «маҳалла шаҳар ичидаги шаҳарча»дир деб таърифлайди. Маҳалла институти, айниқса, Амир Темур даврида равнақ топган. Маҳаллалар фуқароларнинг касб-кори асосида шакланган ва шунга қараб номланган. Масалан, заргарлик, мисгарлик, кўнчилик, пичоқчилик, қошиқчилик, темирчи, эгарчи, тақачи ва ҳ. к. Маҳаллани бошқариш жамоатчилик асосида олиб борилиб,

Ўзининг ёзилмаган ички тартиб-қоидаларига эга бўлиб, у ҳамма учун бирдек қонуний ҳисобланган.

Маҳалла кичик маъмурий ҳудуд бўлиши билан бирга, турмуш тарзи, қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар умумийлиги билан боғланган кишилар жамоаси бирлигидир. Тарихнинг турли босқичларида даврлар, тузумлар ўзгаришига қараб маҳалланинг вазифалари ҳам ўзгариб турган.

XX-асрнинг бошларидаёқ маҳаллалар даҳа бошлиқлари — мингбошилар сайлайдиган юзбоши (оқсоқоллар) томонидан бошқарилган. Юзбоши ва унинг ёрдамчилари маҳалладаги барча жамоат ишлари ва маросимларни бошқарганлар, шунингдек, фуқароларнинг шаҳар йиғинлари ва шаҳар муассасаларида маҳалла манфаатларини ҳимоя қилганлар.

Мазкур институтнинг асосий вазифалари: маросимларни биргаликда ўтказиш, ўз ҳудудини батартиб сақлаш ва ободонлаштириш, ёш авлодни ижтимоий руҳда тарбиялаш, жамият ҳаётида тартиб сақланишини таъминлаш, барча анъанавий меъёрларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш, урф-одатларга риоя қилиш ва уларни бузган, жамоат маж-буриятларидан бўйин товлаганларни жазолашдан иборат бўлган. Маҳалла раҳбарияти ариқ-ҳовузларни тозалаш, кўчалар, йўللар қуриш ва маҳалла ободончилиги билан боғлиқ бошқа жамоат ишларини уюштирганлар. Бу ишларнинг барчаси биргаликда ҳашар йўли билан амалга оширилган.

Маҳалла жамиятимизнинг тузилмаси сифатида тарихан бир қанча ривожланиш босқичларини босиб ўтди. У XX-асрнинг биринчи чорагида ўзининг анъанавий шаклини олди. Совет ҳукумати маҳаллага ўз умрини яшаб бўлган ўтмиш сарқити сифатида қаради. Шундан келиб чиқиб, у анъанавий миллий бошқарувларни бекор қилиш йўли билан бу ерда саноатлашган «илғор» жамиятни қарор топтириш сиёсатини жорий этишга киришди. Совет ҳукумати маҳаллалар вазифасини чеклаш, ўзига бўйсундиришга интилди, бу ҳол маҳалла фаолиятига ўз таъсирини ўтказди. Бироқ маҳалла ўзининг яшовчанлигини намоён этиб, анъанавий ҳаёт ва алоқа тарзига қарши ҳар қандай ҳужумларга ва уларни йўқотиш йўлидаги уринишларга дош берди. У илгариги ҳаёт тарзи, урф-одат ва расм-русумларни сақлаб қолди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, маҳаллага бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Давлатимиз конституциясининг 105-моддасига ва 1993 йил сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга биноан, Маҳаллалар ўз ҳуқуқий

мақомига эга бўлиб, маҳаллий ҳокимият таркибига кирди (Маҳалла: ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқий кафолати. Қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар тўплами, Т., 1999) .Мазкур институт давлатнинг жойлардаги муҳим таянчи, юридик шахс сифатида ўз мол-мулкига, молиявий бюджетига, банкдаги ҳисоб-китоб рақамига — жамғармасига эгадир. Бу қонунга асосан, ҳар бир маҳалла ўз ҳудудида ишлаб чиқаришни ташкил этиши, кичик корхоналар очиши, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиши, унинг бир қисмини маҳалладаги эҳтиёжмандларга бепул тарқатиши, ўз ҳудудидаги аҳолини иш билан таъминлаши, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиши мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг халқимизга йўллаган янги йил табригида 2022 йил – «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили» деб эълон қилиниши (<https://daryo.uz/k/2021/12/31/>) аслида мазкур тузилманинг тарихий тараққиётдаги беқиёс ўрни мавжудлигининг эътирофи бўлди.

“2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”ни асосий қисмини ҳам “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга бағишланган йўл харитаси ташкил этди. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон). Мазкур дастур бундан кейин ҳам маҳаллаларнинг бозор иқтисодиёти қонунлари асосида, ўз фаолиятларини ташкил этишлари учун барча имкониятлар яратилишини, тўй-маърака маросимларини ўтказиш, ҳашарлар уюштириш, оилавий низоларни бартараф этиш, беморлар ҳолидан хабар олиш ишлари, шунингдек, аҳолининг ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам маданий юксалишига ҳар томонлама ёрдам бериш, миллий анъана ва урф-одатларни бойитиш, маҳалла қўмиталари ишларини мувофиқлаштириш, кам таъминланган оилалар, кексалар, фахрийлар, ногиронлар, кўп болали оилалар, етим-есирлар, байналмилалчилар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш каби вазифаларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилишини белгилаб берди. Маҳалла институти глобаллашув даврида миллийликка таҳдид бўлаётган ахборот ва мафкуравий хуружлардан ҳимояланишнинг ҳам энг муҳим маскани бўлиб қолмоқда. Чунки доно халқимизда “Бир болага етти маҳалла ота - она” шиори айтилгани бежизга эмасдир. Маҳалла институти бугунги кунда ўзбек халқининг бренди ҳисобланган қуйдаги қадриятларни, яъни, ўзаъро ҳамжиҳатлилик, хайр –эҳсон, ҳашар, оилавий касаначилик ва оилавий пудрат қадриятларини ривожланишини таъминловчи маскан бўлиб қолмоқда. Маҳаллаларда

барпо этилаётган замонавий инфраструктуралар: спорт мажмуалари, хизмат кўрсатиш объектлари, маърифий масканлар, кутубхоналар, гузарлар жамиятимиз тараққиёти учун энг муҳим омил, инсон омили, яъни баркамол авлодни камол топтиришнинг кафолати бўлиб қолади.